

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ЗИЯМУХАМЕДОВА РАНО МИРГИЯСОВНА

**ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАЪМИНОТИДА АХБОРОТ
ХИЗМАТЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ВА НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

15.00.03 - Фармацевтика ишларини ташкил этиш

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Зиямухамедова Рано Миргиясовна

Дори воситалари таъминотида ахборот хизматларининг услубий ва назарий асосларини такомиллаштириш.....3

Зиямухамедова Рано Миргиясовна

Теоретические и методические основы совершенствования информационного обеспечения лекарственных средств.....21

Ziyamukhamedova Rano Mirgiyasovna

Theoretical and methodological foundations of improvement drug information support.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....41

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ЗИЯМУХАМЕДОВА РАНО МИРГИЯСОВНА

**ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАЪМИНОТИДА АХБОРОТ
ХИЗМАТЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ВА НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

15.00.03 - Фармацевтика ишларини ташкил этиш

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.1.PhD/Ғаг.26. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Зайнутдинов Хикматулла Суниатович фармацевтика фаилари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Суюнов Низом Давуорович фармацевтика фаилари доктори, доцент Ибрагимова Муҳаббат Яхяевия фармацевтика фаилари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	А.Султанов номли Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019 Ғаг.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «8» 06 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.:(+99871)256-37-38, факс: (+99871)256-45-04, e-mail: [pharmi.@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz).)

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 2 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.:(+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2020 йил «3» 06 кунни тарқатилди.
(2020 йил «3» 06 даги 2 рақамли реестр баённомаси)


А.Ф.Дусматов
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раис Уринбосари, ф.ф.д.,
доцент
Е.С.Кариева
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, ф.ф.д., профессор
Б.Ш.Шонсломов
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котибидagi илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фармацевтика бозорининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳар йили икки баробарга юқори суръатларда ўсиб бормоқда. Хусусан дори восита(ДВ)лари савдо ҳажмининг айланмаси 1 триллион АҚШ долларидан ошиб кетган. Фармацевтика маҳсулотлари ассортиментининг кенгайиши улар тўғрисидаги ахборот-маълумотларига бўлган эҳтиёжнинг ошишига, соҳадаги кўрсатиладиган хизмат турларининг ҳам кенгайишига олиб келмоқда. Бу борада БЖССТ концепциясига мувофиқ, фармацевтик ёрдам (ФЁ) хизматларининг ташкил этилиши, истеъмолчиларнинг ДВлари ҳақида сифатли ва тўлиқ маълумотларга эга бўлишларида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида фармацевтика соҳасига ахборот технологияларининг жадаллик билан кириб келиши, хусусан турли тиббий-сайтлар, тиббий маълумотлар хизмати, телеграм ботларнинг фаол жорий этилиши ҳамда уларда келтирилувчи ахборот-маълумотларининг ишончлилик даражаси юқори савияда бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада дорихоналарда ДВларининг ассортиментини танлаш, сақлаш ва улардан самарали ҳамда хавфсиз фойдаланишни таъминловчи ахборот-маслаҳат хизматларининг жорий этилишини тақозо этмоқда.

Республикамизда аҳолини турмуш даражасини янада яхшилаш, айниқса фармацевтика тармогини ривожлантириш, аҳолини сифатли ва самарадор ДВлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобига мувофиқ, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларида «Дори воситалари билан таъминлашни такомиллаштириш, янги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ҳамда тиббий техникани рўйхатга олиш тартиб-таомилларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгиланиб берилган. Шу муносабат билан аҳолини ДВлари ҳақида хабардор қилиш бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологиялари(АКТ)ни жорий қилиш ҳамда ДВларини тоифаларига кўра рўйхатдан ўтказиш тартибига оид меъёрий-ҳужжатларни БЖССТ ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар стандартлари ва тавсияларини миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилган ҳолда тармоқни комплекс ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш долзарб илмий амалий масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони ҳамда юқоридаги Фармонга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

июлдаги 549-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва 2019 йил 6 сентябрдаги ПҚ-4438-сон «Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада ДВлари билан таъминлашни такомиллаштириш, улардан оқилона фойдаланиш ва ижтимоий таҳлиллар ўтказилиши юзасидан Х.С.Зайнутдинов, Н.Д.Суюнов, С.У.Алиев, Ш.Т.Ариповларнинг илмий ишлари алоҳида ўрин тутмоқда.

Фармацевтика соҳасидаги ахборот хизматларининг турли йўналишларини ташкил этилиши ва такомиллаштирилиши юзасидан Т. П. Лагуткина, Л.А. Лобутева, Е.А. Федина, Н.Л. Саутенкова, Т.Ф. Добровольский, Г.Р. Казимова, И.А. Киршина, Л.Н. Минапов, Н.Г. Переферанский, Р.С. Сафиуллин ва бошқа олимларнинг тадқиқотларини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, дунё миқёсида зарур дорихона амалиётини ташкил этилишида фармацевтика фаолиятини ўрганиш бўйича Worley M.M., Schommer J. C., Hepler S., Farris K. B ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Мазкур диссертация иши соҳада АКТларни қўллаш орқали фармацевтик ахборот хизматларини такомиллаштириш, электрон дастурларни яратиш ҳамда ДВларини рецептсиз тоифасига киритиш асосларини таъминловчи мезонларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллашга тавсия этиш бўйича олиб борилган биринчи илмий изланиш ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг IV. «Ўзбекистонда қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг маркетинг ва фармакоиктисодий таҳлили» илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аҳолини ДВларидан оқилона фойдаланишида ахборот билан таъминланиш даражасини ошириш, дори воситаларини рўйхатга олишда рецептсиз тоифаларини белгилаш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасида ДВлари ҳақида ахборот хизматларини

тартибга солишнинг давлат томонидан бошқарилиши назорати бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларни ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда ДВларини ахборот билан таъминланишининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган ДВлари ва уларнинг ассортиментини таҳлил қилиш;

дорихоналарда рецептсиз ДВлари (ОТС - Over the counter) реализациясида фармацевтик маълумотга эга мутахассислар томонидан ФЁ хизматларининг кўрсатилиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини ижтимоий сўровнома усулида аниқлаш;

дорихоналарда истеъмолчилар сегменти гуруҳларининг шаклланиши ва уларнинг ФЁ хизматларига бўлган эҳтиёжларини ўрганиш;

ДВлари ҳақидаги ахборот манбаларининг контент-таҳлилининг ўтказиш;

ДВларини рецептсиз тоифасига киритиш мезонларини белгилаш ва «Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатига киритиш тартиби тўғрисида»ги меъёрий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш;

ФЁ хизматларини замонавий АКТ асосида такомиллаштирилишида электрон ахборот дастури алгоритмининг тузиш, базасини шакллантириш ва яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фармацевтика тизимини тартибга солувчи қонунлар ва қонун ости меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, «Дори-Дармон» АК таркибидаги АЖ ва МЧЖларига қарашли дорихоналарнинг фармацевтик маълумотга эга мутахассислари ва дорихонага ташриф буюрувчи истеъмолчилар, «Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестри» олинган.

Тадқиқотнинг предмети ДВларидан самарали, хавфсиз фойдаланишда истеъмолчиларга кўрсатиладиган ФЁ хизматларини замонавий АКТлар асосида ривожлантириш ва Ўзбекистон Республикасида рецептсиз ДВларини рўйхатдан ўтказилишининг халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш юзасидан таклифларни киритиш ҳамда тегишли меъёрий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини бажаришда контент-таҳлил, ижтимоий-таҳлил бўйича сўровнома, эксперт баҳолаш, математик-статистик, мантикий-назарий ва бошқа замонавий таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор рецептсиз бериладиган ДВлари рўйхатига киритишда шаффофликни таъминловчи тоифа мезонлари ишлаб чиқилган;

экспертлар гуруҳи таҳлили натижаларини математик-статистик баҳолаш асосида ДВларини рецептсиз тоифасига киритиш методикасининг

лойихаси ишлаб чиқилган;

мутахассислар томонидан истеъмолчиларга ДВлари муомаласида кўрсатиладиган ФЁ хизматлари автоматлаштирилган усул асосида такомиллаштирилган;

ДВларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда истеъмолчиларга кўрсатиладиган ФЁ хизматларини такомиллаштиришда, электрон дастурий таъминот ва тиббий маълумотлар базаларини шакллантирилиши мақсадга мувофиқлиги илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ижтимоий сўровнома усулини қўллаш орқали фармацевтик маълумотга эга мутахассисларнинг истеъмолчиларга сифатли ФЁ хизматини кўрсатишда ДВлари ҳақидаги ахборотларга бўлган эҳтиёжлари аниқланган ва замонавий АКТлар иштирокида ахборот дастури алгоритми шакллантирилган;

мутахассислар (шифокорлар ва фармацевтлар) гуруҳининг тадқиқот натижалари эксперт баҳолаш усули ёрдамида таҳлил қилиниб, ДВларининг рецептсиз тоифасига киритилиш мезонлари белгиланган ва «Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатига киритиш тартиби тўғрисида»ги меъёрий-ҳужжат лойихаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси контент-таҳлил, математик-статистик, мантиқий-назарий, тизимли, сўровнома, статистик маълумотларни замонавий ахборот-компьютер технологиялари ёрдамида интеллектуал таҳлил усуллари асосида қайта ишланиши билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикамізда мутахассислар томонидан истеъмолчиларга ОТС ДВлари муомаласида ДВлари уларнинг аналоглари ҳақида ва дорихона ассортиментининг бошқа товарларини танлаш, саклаш, улардан фойдаланиш усуллари бўйича кўрсатилаётган ФЁ хизматларини такомиллаштирилишида ахборот дастури яратилиши ва ДВларини рецептсиз тоифасини рўйхатдан ўтказиш жараёнларини шаффофлик ва халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилишини илмий асосланган тартибда мезонлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти берилган таклиф ва тавсиялар асосида истеъмолчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ДВларни суистеъмол қилишни олдини олиш, улардан хавфсиз ва самарали фойдаланиш бўйича ФЁ хизматларини кўрсатилишини сифатини ошириш мақсадида «Apteka-info» ахборот дастури яратилганлиги ҳамда ДВларини давлат рўйхатидан ўтказилишида шаффофликни таъминлаш ҳамда тартиб ва мезонларини халқаро ташкилотлар қарорлари, илгор мамлакатлар тажрибасига асосланган ёндашувларини ўз ичига олган «Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатига киритиш тартиби тўғрисида»ги меъёрий ҳужжат лойихаси ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга жорий этиш

учун ваколатли ташкилотларга тақдим этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дори воситалари таъминотида ахборот хизматларининг услубий ва назарий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ДВларини рецептсиз тоифасига киритиш мезонлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги 96-сон «Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи иловасини шакллантиришда фойдаланилган («Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУКнинг 2019 йил 19 ноябрдаги 29/09-4459-сон маълумотномаси, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлигининг 2019 йил 15 ноябрдаги 25-23/2975-сон хулосаси). Натижада рецептсиз бериладиган ДВларининг рўйхатини халқаро стандартлар ва шаффофлик асосида тузиш имконини берган;

ишлаб чиқилган «Apteka-info» дастури «Тошкент шаҳар Дори-Дармон» АЖ ва «Тошкент вилоят Дори-Дармон» АЖлари (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 10 мартдаги 8н-3/77-сон маълумотномаси) томонидан тизимдаги дорихоналари амалиётига жорий қилинган. Натижада ДВлари товар айланмаси бўйича рентабеллик кўрсаткичлари 0,30% дан 0,50% гача ошириш имконини берган;

«Маҳаллий ишлаб чиқариладиган рецептсиз сотиладиган дори воситаларини қўллаш бўйича йўриқномалар тўплами» ва «Рецептсиз сотиладиган дори воситаларини қўллаш бўйича йўриқномалар тўплами» ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 4 июндаги 8н-н/1-сон; 2014 йил 30 июндаги 8н-м/2-сон маълумотномалари). Натижада соҳа мутахассислари ва аҳолига ДВларининг чакана реализациясида улардан тўғри ва самарали фойдаланиш бўйича зарур маълумотларни олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 2 та қўлланма китоб, 2 та ихтиро гувоҳномаси олинган ва жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 93 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида ва МДҲ давлатларида дори воситаларини ахборот билан таъминланишининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари**» деб номланган биринчи бобида республикада дори воситаларининг ахборот билан таъминлашни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий ва хорижий адабиётлардан ФЁ ва унинг соҳадаги аҳамияти, дорихоналарда ФЁ хизматлари кўрсатилишининг назарий ва услубий асослари, фармацевтика маълумотларини тақдим этишнинг замонавий АКТ асосидаги ёндашувлари ҳамда ДВлари тоифаларга таснифланишининг халқаро стандартлари ва хорижий мамлакатлар тажрибалари аҳамияти бўйича адабиётлар шарҳини камраб олган.

Диссертациянинг «**Дори воситалари ассортименти ва ахборот манбаларининг таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида ЎзРда тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган ва Давлат Реестрида рўйхатдан ўтказилган ДВларининг ассортимент таҳлили, ДВлари тўғрисида маълумотлар жамланган ахборот манбаларининг контент-таҳлили натижалари бўйича маълумотлар келтирилган.



1-расм. 2014-2018 йилларда дори воситалари ассортиментининг таҳлил динамикаси

ЎзР ССВ «Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника» Давлат Реестрининг 2014-2018 йиллардаги 18-22 сон нашрлари таҳлил қилинган. Унга кўра Давлат

Реестрида ДВлари сони умумий кўрсаткичда савдо номи, дори тури ва шаклини инобатга олган ҳолда 873 та маҳаллий, 1878 та МДХ ва 2994 та хорижий давлатлар фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган ДВлари қайд этилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 2462 та маҳаллий, 1738 та МДХ ва 6218 та хорижий фармацевтика корхоналари ДВлари Республикамизда қайд этилгани аниқланди. 2014-2018 йилларда фармацевтик корхоналарнинг маҳсулотлари ассортименти маҳаллий 2,8 баробарга ва хорижий давлатлар 1,5 баробарга ошганини ҳамда МДХ давлатлари эса 1,1 баробарга камайганини кўришимиз мумкин.

ДВлари ассортиментини таҳлил қилишда муҳим миқдорий кўрсаткичларидан бири янгиланиш индекси. Маълум вақт мобайнида шу турдаги маҳсулотларнинг турли кўринишларини ишлаб чиқарилишини англатади ва бу кўрсаткич янгиланиш индекси билан баҳоланади. Янгиланиш индекси ассортиментнинг янгиланиш даражасини аниқлаб беради. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$I = Q_n * 100\% / Q_t$$

бу ерда,

I - ассортиментнинг янгиланиш индекси;

Q_n - маълум вақт мобайнида рўйхатдан ўтган шу турдаги маҳсулотларнинг миқдори;

Q_t - шу турдаги маҳсулотнинг умумий миқдори.

Шунга кўра, 2014-2018 йилларда Давлат Реестрида қайд этилган фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган ДВлари ассортиментининг янгиланиш индекси МДХ - 1,62%, хорижий - 16,88% ва маҳаллий - 18,36% га тенг. Умумий ҳисобда маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган ДВлари ассортиментининг қайд этилиш кўрсаткичлари етакчилик қилмоқда.

Дори воситалари тўғрисидаги ахборот манбаларининг контент-таҳлили. Республикамизда чоп этилган ОТС ва рецептли ДВлари тўғрисидаги ахборот манбаларининг контент-таҳлили натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

бу ерда:

а - ахборот манбасидаги ДВларининг умумий сонига нисбатан манбадаги ОТС ДВларининг улуши;

б - ахборот манбасидаги ДВларининг умумий сонига нисбатан манбадаги рецептли ДВларининг улуши;

в - «Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган ДВлари, тиббий буюмлар ва тиббий техника» Давлат Реестри 2018 йил 22-сонда рўйхатдан ўтган ДВларининг (8763) умумий миқдорига нисбатан улуши;

г - ЎзР ССВ 2018 йил 22-октябрдаги 50-сон «Рецептсиз бериладиган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи рўйхатига

киритилган (1273) ДВларига нисбатан улуши.

1- жадвал

Ахборот манбаларидаги ДВларининг контент-таҳлили

№ т/ р	Ахборот манбасининг номи	Ум. ДВ миқ	ОТС ДВ миқ	Ахборот манбаларидаги ДВларининг % улуши			
				а миқ. бир	б миқ. бир	в миқ. бир	г миқ. бир
1	«Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг дори воситалари» ЎзФармсаноат, ДАК таҳрири остида Т.: Top Image Media, 2010 й. – 443 б.	274	90	32,8	67,2	3,4	21,5
2	«Доривор ва зиравор ўсимликлар» А.Я.Ибрагимов. – Т.: NISIM, 2005 й. – 220 б.	192	21	10,9	89,1	2,2	15,1
3	«Руководство по использованию безрецептурных препаратов» ЎзР.ССВ; К.С.Махмуджанова [ва б.қ].-Т.:Мехридарё, 2011й – 344 б.	162	162	100	0	1,8	12,7
4	«Дори воситалари қўлланмаси» 1-2-3-жилд. ЎзР.ССВ; З.Салихўжаев. – Т.:Сугдиёна, 2014 й - 655 б.	5000	878	17,6	82,4	57,1	68,9

Сўнгги йилларда ДВларнинг рўйхати сезиларли даражада кенгайгани ва мос равишда улар ҳақидаги ахборотларга бўлган эҳтиёжнинг ҳам ортиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Диссертациянинг «Дори воситаларининг муомаласида ахборот билан таъминланиш даражаси ҳамда муҳитини ижтимоий сўровнома ва экспертлар гуруҳи таҳлили» деб номланган учинчи бобида дорихоналарда фармацевтик маълумотга эга мутахассисларнинг сифатли ФЁ хизматини кўрсатишда ДВлари ҳақидаги ахборотга бўлган эҳтиёжлари, дорихона ишини ривожлантиришда истеъмолчилар сегменти гуруҳларининг шаклланиш омилларига доир ижтимоий сўровнома натижалари ҳамда ОТС ДВлари рўйхатига киритиш мезонларини ишлаб чиқилиши юзасидан экспертлар гуруҳининг таҳлил натижалари келтирилган.

Фармацевтик ёрдам ва унинг тақдим этилишида мутахассиснинг ўрни ижтимоий сўровнома таҳлили. Тадқиқот объекти сифатида Республика «Дори-Дармон» АК таркибидаги дорихона муассасалари олинди. Тадқиқот 2018 йилнинг апрел - октябр ойларида амалга оширилди.

Тарқатилган 300 та сўровномадан таҳлилда жами 260 та (40 та сўровнома талабга жавоб бермайди) сўровнома натижалари кўриб чиқилди. Қуйидаги 2-жадвалда респондентларнинг асосий хусусиятлари тизимли таҳлили келтирилган.

Сўровномада иштирок этган фармацевтларнинг тизимли таҳлил натижалари

№	Асосий хусусиятлари		Сони	%
1	Респондентларнинг жинси	Эркак	96	37
		Аёл	164	63
	Жами:		260	100
2	Респондентларнинг ёши	30 ёшгача	38	14,61
		31-40 ёш	134	51,54
		41-50 ёш	70	26,92
		51-60 ёш	18	6,92
	Жами:		260	100
3	Респондентларнинг маълумотлилик даражаси	Олий	99	48,01
		Ўрта махсус	161	51,92
	Жами:		260	100
4	Респондентларнинг ихтисослиги бўйича иш тажрибаси	5 йил	35	13,46
		5-10 йил	110	42,31
		10-15 йил	60	23,08
		15-20 йил	40	15,38
		20 йил ва ундан ортиқ	15	5,77
	Жами:		260	100

ОТС ДВларини истеъмолчиларга тавсия қилишда фармацевтларга бир нечта ташки ва ички омиллар таъсир кўрсатади. Фармацевтларнинг фикрига кўра, таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, омилларнинг асосийси уларнинг билимлари ва касбий тажрибалари экан. Сўровномада иштирок этган респондентларнинг 225 таси (86,6%) юқоридаги фикрни билдиришган. Қолган омиллар эса респондентлар ўртасида қуйидагича тақсимланди: тиббиётга доир адабиётлардан ва ДВни қўлланилиши бўйича йўриқномалардан олинган маълумотлар таъсир кўрсатади - 193 та (74,2%) ва кам таъсир кўрсатади - 67 та (25,8%); шифокор тавсияси (ДВларининг аналогларини тавсия этишда) таъсир кўрсатади - 177 та (68,1%) ва кам таъсир кўрсатади - 83 та (31,9%); оммавий ахборот воситалари орқали берилган рекламалар таъсир кўрсатади - 59 та (22,7%) ва кам таъсир кўрсатади - 201 та (77,3%); дорихонадаги мавжуд ассортимент таъсир кўрсатади - 155 та (59,6%) ва кам таъсир кўрсатади - 105 та (40,4%); ДВнинг нархи таъсир кўрсатади - 115 та (44,2%) ва 145 та (55,8%) кам таъсир кўрсатиши маълум бўлди.

Фармацевтлар томонидан ОТС ДВлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлишларида 5 та ахборот воситасидан кенг фойдаланилиши аниқланди. Унга кўра, тиббиётга оид турли адабиётлар - 32%; ДВларини қўллаш бўйича йўриқномалар - 28%; интернет сайтларидан олинган маълумотлар - 17%; ОТС ДВларининг рекламаси - 15% ва 8% га турли семинар ва тақдимотлардан (фармацевтик фирмалар ва б.қ.) олинган маълумотлар қўшимча ахборот манбаи бўлиб хизмат қилиши аниқланди.

Сўровномада дорихона ходимларининг АТлардан фойдаланишдаги

кўникмалари ҳамда улардан фойдаланишлари учун яратилган имкониятлар ва қониқишларини баҳолаш юзасидан саволлар жамланмаси киритилди. Унга кўра, дорихона фармацевтлари ишчи компьютердан фойдалана олиш кўникмаларини 64,23% - и юқори, 21,15% - и ўрта, 14,62% - и паст даражада деб; дорихонада интернет ахборот маълумотларидан фойдаланиш учун яратилган имкониятларни мутахассисларнинг 56,92% - и паст, 31,92% - ўрта, 11,15% - юқори даражада деб; ишчи компьютерда АТ асосида фармацевтик ахборот олиш дастурларидан фойдаланиш учун ташкил этилган имкониятларини мутахассисларнинг 61,92% - и паст, 23,46% - и ўрта ва 14,62% - и юқори даражада деб баҳолаганлар.

Дорихона ходимларининг ФЁ ни тўлиқ ва сифатли амалга оширишлари учун АКТ асосида яратиладиган ахборот манбаларининг таркибий қисмлари юзасидан таҳлил натижаларига кўра, тиббий адабиётлар, қўлланмалар, журналлар ва назарий материаллар маҳсус бўлимларга ажратилган ҳолда - 22,31%; мавжуд маълумотлар қидирув тизими орқали, диалог: савол ва жавоб, калит сўзлар ва б.қ ларни киритиш (online режим) орқали - 49,61% ва 1 ҳамда 2 жавоблардаги таркибий қисмлар умумлаштирилган ҳолатда фойдаланиш орқали - 28,08% дорихона ходимларининг фармацевтик ахборот олишдаги электрон манбаларда кўрсатиладиган хизмат қулайликлари жиҳатидан фикрлари тақсимланди.

3-жадвал

Сўровнома респондентларнинг фоиз кўринишидаги таснифланиши (n=124)

№ т/р	Вилоятлар	Ёши (%)					Жинси (%)		Оилавий ахволи (%)		Маълумоти (%)	
		25 гача	25-34	35-44	45-54	55-64 ва юқори	Эркак	Аёл	Турмуш қурган	Турмуш қурмаган	Олий	Ўрта
1	Қорақалпоғистон Республикаси	0,8	2,4	2,4	3,2	1,5	3,2	6,4	7,2	1,6	6,4	3,8
2	Бухоро	1,6	1,6	3,2	0,8	1,9	5,6	3,2	7,2	0,8	4,2	4,7
3	Самарқанд	5,6	10,5	4,3	5,6	4,03	16,1	14,5	21,8	5,6	8,2	17,8
4	Навоий	1,5	6,4	0,8	1,6	1,6	3,2	7,2	8,8	1,6	7,4	3,8
5	Наманган	3,67	2,4	6,4	7,2	8,1	20,5	14,5	24,2	8,1	12,2	18,5
6	Жиззах	1,5	0,1	1,5	0,8	1,5	0,8	0,8	1,6	7,5	5,2	1,8
7	Фарғона	0,8	1,5	0,8	0,8	1,6	2,4	1,6	3,2	0,8	4,6	1,4
	Жами:	15,5	24,9	19,4	20,0	20,2	51,8	48,2	74,0	26,0	48,2	51,8
	%	100					100		100		100	

Дорихоналарда истеъмолчилар сегменти гуруҳларининг шаклланиши омиллари ўрганиши дорихоналарнинг доимий истеъмолчи мижозлар базасини шакллантиришда ва шиддат билан ривожланиб бораётган фармацевтика бозорида кучли рақобатчи дорихоналар қаторига киришда, истеъмолчиларни жалб қилиш ва уларни сақлаб қолиш каби бир қатор

масалалар ечимини топишда ўта муҳимдир. Тадқиқот ишида истеъмолчилар учун махсус сўровномалар тайёрланди ва объект сифатида Республика «Дори-Дармон» АК тизимидаги дорихоналарга ташриф буюрувчи тасодифий истеъмолчилар гуруҳи олинди. Таҳлилда 124 та сўровнома натижалари иштирок этди. Сўровномаларда энг аввало респондентларнинг ижтимоий-демографик хусусиятлари ўрганилди ва таҳлили килинди.

Сўровнома иштирокчиларининг ижтимоий тақсимланишига кўра 4,0% - талабалар, 4,0% - вақтинча ишсизлар, 8,0% - уй бекалари, 10,4% - нафақахўрлар, 18% - хусусий тадбиркорлар ва 55,6% - ишчи ва хизматчилардир.

Респондентларнинг тиббий ва фармацевтик маҳсулотларни харид килишида амалий кўникмаларга эга эканлигини аниқлаш учун, сўровномага ўз соғлиғини баҳолаш, дорихона танлаш ва ДВларидан фойдалана олиш масалалари жамланган 7 та гуруҳ саволлари киритилган бўлиб, уларга айнан эркак ва аёл мижозлар томонидан белгиланган жавоблар тизимли таҳлил қилинган.

4-жадвал

Факторлар аҳамиятлилиги бўйича тақсимоти

Факторлар (фармацевт)	Турфалар суммаси	Факторлар (шифокор)	Турфалар суммаси
x3	552.5	x3	599
x1	582.5	x1	639
x6	582.5	x8	639
x2	588.5	x6	647
x8	588.5	x2	655
x5	624.5	x5	679
x10	624.5	x10	679
x7	630.5	x7	695
x9	660.5	x9	719
x4	708.5	x4	767
x11	750.5	x11	839
x12	828.5	x13	839
		x15	839
		x12	911
		x14	911
		x16	911

Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатига киритиш методикасини ишлаб чиқишда экспертлар гуруҳи таҳлили. Республика бўйича экспертлар гуруҳи (фармацевтлар-99 та ва шифокорлар-88 та) ўртасида ижтимоий сўровнома ўтказилди. Тадқиқот натижаларини қайта ишлашда математик-статистика принципларидан бири бўлган эксперт баҳолаш усулидан фойдаланилди. Унга кўра, агар мутахассис турли хил

объектларда бир хил даража (турфа) эгалласа унда объектларга стандартлашган даражалар берилди. Стандартлашган даража киймати бир хил даражадаги объектлар билан бир бирига бўлинадиган жойларнинг ўртача арифметик миқдорига тенг. Экспертлар гуруҳининг хусусиятлари (иш стажи, малака ва тоифалари) конкордация коэффициентига кўра аҳамиятлилиги бўйича қуйидагича таксимланди (экспертлар сўрови натижаларининг жадвал кўринишидаги шакли Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ходими ф-м.ф.д., профессор К.А. Турсунметов билан ҳамкорликда яратилди).

Экспертлар гуруҳи мутахассисларининг фикрлари мувофиқлиги даражасини баҳолаш учун конкордация коэффициенти қуйидаги формула ёрдамида топилади.

Фармацевтлар гуруҳи натижалари:

$$W = \frac{S}{\frac{1}{12} \cdot m^2(n^3-n) - m \cdot \sum T_i} = 0,0913$$

$$S = 72852, n = 12, m = 99$$

$$T_i = \frac{1}{12} \cdot \sum (t_i^3 - t_i) = T_1 + T_2 + \dots + T_{99} = 6099$$

Шифокорлар гуруҳи натижалари:

$$W = \frac{S}{\frac{1}{12} \cdot m^2(n^3-n) - m \cdot \sum T_i} = 0,11$$

$$S = 182896, n = 16, m = 88$$

$$T_i = \frac{1}{12} \cdot \sum (t_i^3 - t_i) = T_1 + T_2 + \dots + T_{88} = 10836$$

бу ерда;

T_i - i -нчи экспертнинг бир хил даражадаги баҳолаш кўрсаткичи,

t_i - боғлиқликдаги i -нчи экспертлар элементлари сони (такрорланувчи элементлар сони).

Конкордация коэффициентининг аҳамиятлилигини χ^2 -Пирсон критерияси бўйича баҳолаймиз.

$$\chi^2 = \frac{S}{\frac{1}{12} \cdot mn(n+1) + \frac{1}{n-1} \cdot \sum T_i}$$

фармацевтлар гуруҳида $\chi^2 = 99,45$

шифокорлар гуруҳида $\chi^2 = 143,91$

Иккита туркумлаш-турфалаш: шифокор-экспертлар ва фармацевт-экспертларнинг турфалашларининг ўзаро мувофиқлашиш даражасини характерлаш учун турфа корреляция коэффициенти ρ - Спирмэн коэффициенти хисоблаймиз:

$$\rho = 1 - \frac{6 \sum_{i=1}^n (x_i - y_i)^2}{n(n^2 - 1)}$$

бу ерда; x_i, y_i – белгилашнинг бир-бирига тўғри келадиган турфалар сони;
 n – туркумлашган-турфалашган объектлар сони.

Спирмэн корреляция коэффиценти ρ – ни ҳисоблаймиз. Унга кўра, $\rho = 0,878$ тенг экани аниқланди.

Агар корреляция коэффиценти чегаравий коэффицент катталигидан ортиқ бўлса, ноль гипотезадан воз кечилади ва корреляция коэффиценти аҳамиятга молик бўлади. Чегаравий коэффицент куйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$\delta = \frac{1}{\sqrt{m-1}} \Psi\left(1 - \frac{\alpha}{2}\right)$$

бу ерда, m - турфаланиш объектлари сони; α – тасодифий хатоликлар даражаси;

$\Psi(x) = \Phi^{-1}(x)$ – нормал тақсимотга тескари функция.

У ҳолда, $\Psi = 2$ га тенг, $(x) = 0,05$ га тенг ва чегаравий коэффицент $\delta = 0,631$ га тенг эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, ρ – корреляция коэффиценти чегаравий коэффицент δ дан катта, яъни $\rho = 0,878 > \delta = 0,631$. Демак, шифокор-экспертлар ва фармацевт-экспертлар фикрлари яхши мувофиқланган, яъни бир-бирига мос эканлиги аниқланди.

5-жадвал.

Экспертлар гуруҳи мутахассисларининг фикрлари мувофиқлиги даражасининг баллардаги ифодаси

№	Мезонлар	Тоифалар	
		Шифокор	Фармацевт
1	ДВни қўллаш усулида тиббиёт ходими иштирокининг талаб этилмаслиги.	2	2
2	ДВ беморлар томонидан амбулатория шароитида даволаниш учун мўлжалланганлиги (жиддий ножўя таъсир юзага келтирмаса).	4	5
3	амалдаги меъерий ҳужжатларга мувофиқ таркибида гиёҳванд, психотроп ва кучли таъсир этувчи моддалар рўйхатига киритилган ДВларни сақламаслиги.	5	7
4	дори препарати таркибида фармакологик модда янгилик ва фармакологик хусусиятлари туфайли ушбу гуруҳга тегишли бўлган ёки кейинги ўрганишларни талаб қилувчи фармакологик моддаларни сақламаслиги	5	7
5	дозаларнинг белгиланиши ва қабул қилиш схемасининг соддалиги.	11	11
6	дори препаратларининг энг кичик дозалари (монопрепаратлар ва комбинацияланган препаратлар таркибида).	9	9

7	касалликларни мажмуавий даволашда бошқа дори воситалари билан бирга қўлланилганда жиддий ножўя реакцияларга олиб келмаслиги.	10	10
8	дори препарати таркибидаги таъсир этувчи моддалар фармакологик таъсири буйича жигар, буйрак, юрак фаолиятига салбий таъсири йўклиги.	12	13
9	дори препаратларини узоқ муддат қўлланилиши натижасида юзага келадиган ножўя реакциялар: толерантлик, ўрганиш чакирувчи, кумулятив таъсири чакирмаслиги.	11	12
10	дори препаратидан нотўғри фойдаланиш ёки дозани кичик миқдорда ошириб юборилишида соғлиқга катта зарар етказмаслиги.	13	15

Диссертациянинг «Дори воситаларининг ахборот хизматларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобда дорихоналарда ахборот-маълумот хизматлари тизимини такомиллаштириш юзасидан «Apteka-info» ахборот дастурини яратиш асослари хусусан, дастурнинг маълумотлар базаси шакллантирилди, дастур алгоритми тузилди ҳамда дастур фойдаланувчилари учун қўлланма материаллари ишлаб чиқилди.

Ахборот-маълумот хизматлари тизимини такомиллаштириш ва «Apteka-info» дастурини ишлаб чиқиш асослари. Давлат Реестрига киритилган маҳаллий ва импорт ДВларининг умумий рўйхати 8700 тадан ортди. Уларнинг сезиларли қисмини ОТС ДВлари ташкил этади. Бу эса ўз навбатида ОТС ДВларини тиббиётда қўллаш буйича тўлиқ, ишончли маълумотларни ўзида жамлаган ахборот манбаларини янада мукамаллаштириш ва улардан фойдаланишда замонавий АКТлар асосида қулайлик ва тезкорлик билан таъминланган ахборот дастурларини яратилишини бугунги куннинг долзарб вазибалари каторига кўтаради. Бундай хизмат турларининг соҳада жорий этилиши, истеъмолчиларнинг дорихонага ташриф буюришидан олдин ДВлари тўғрисида бошланғич маълумотларга эга бўлишида, фармацевт билан суҳбатдан сўнг унинг тавсияларини янада яхшироқ идрок этишига ёрдам беради. Юқоридаги муаммоларнинг ечими сифатида биз «Apteka-info» дастурини ишлаб чиқдик. («Apteka-info» ахборот дастури Тошкент ахборот технологиялари университети дастурчи мутахассислари билан ҳамкорликда яратилди.)

Дастурнинг маълумотлар базасини шакллантириш ва дастур алгоритминини ишлаб чиқиш. «Apteka-info» дастури маълумотлар базаси шакллантирилишида юқорида ўтказилган ижтимоий сўровнома таҳлиллари асосида бир канча маълумотлар базалари, жумладан:

Давлат Реестрига киритилган ДВларининг расмий йўриқномаларига асосланиб ОТС ДВларининг электрон базаси (ишлаб чиқарувчи давлат, корхона, дори тури, сотилиш тартиби, қўшимча маълумотлар,


фармакотерапевтик гуруҳи ва б.қ.лар);

ДВларининг фармакотерапевтик гуруҳи ва фармакологик хусусиятларига асосланган илк давлат тилидаги маълумотлар базаси шакллантирилди (маълумотлар базаси Тошкент Тиббиёт Академияси фармакология кафедраси мудир, б.ф.д. М.Ж.Аллаева билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган);

ДВлари тўғрисидаги маълумотлар уларни таққослаш (4 та мезон: ишлаб чиқарувчи, сотилиш тартиби, дори шакли, қўллаш дозалари) имкониятини ҳисобга олган ҳолда оптималлаштирилди;

мутахассислар учун ДВлари тўғрисида маълумотлар жамланган махсус тўпламлар базаси киритилди.

Юқорида шакллантирилган маълумот базалари асосида «Артека-info» ахборот дастурининг алгоритми тузилди.



2-расм. «Артека-info» ахборот дастури алгоритми

Дастур фойдаланувчилари учун қўлланим материалларини ишлаб чиқиш. Дастур тиббиёт ва фармацевтика соҳаси мутахассислари учун мўлжалланган бўлиб, ДВлари тўғрисида тўлиқ, ишончли ва тезкор маълумотга эга бўлиш имкониятини беради. Ушбу қисмда дастурга кириш ва унинг бўлимларидан фойдаланиш жараёнини амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Фармацевтика фаолиятига тегишли Қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, мазмун моҳиятига кўра, истеъмолчиларнинг ДВлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар олишларига, уларнинг саломатликлари муҳофазасини таъминлаш ва кафолатлашга қаратилганлигини, республикада ФЁни АКТ асосида кенг жорий этилишига барча қонуний асослар етарли эканлиги билан изоҳланди.

2. Тадқиқот жараёнида контент-таҳлил услубиятини қўллаш орқали республикада давлат рўйхатидан ўтказилган ДВлари ассортиментининг тўлиқ тавсифи ва унинг миқдорий кўрсаткичлари ўрганилиб, янгиланиш индекслари белгиланади.

3. Ўтказилган ижтимоий сўровнома натижасида фармацевтик маълумотга эга мутахассисларнинг ДВлари тўғрисида ахборот-маълумотларига бўлган эҳтиёжлари аниқланди ва касбий билим савияларини ошириб боришларида «Маҳаллий ишлаб чиқариладиган рецептсиз сотиладиган дори воситаларини қўллаш бўйича йўриқномалар тўплами» ва «Рецептсиз сотиладиган дори воситаларини қўллаш бўйича йўриқномалар тўплами» номли қўлланмалар ахборот манбаси сифатида таклиф этилди.

4. Фармацевтик маълумотга эга мутахассислар томонидан ФЁ хизматларини GPP стандартлари асосида ташкил этишда, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда, ДВларини суистеъмол қилишни олдини олиш ва ДВларига кўрсатиладиган ахборот-маслаҳат хизматларини замонавий асосларда такомиллаштиришда «Аpteka-info» дастури тавсия этилган.

5. «Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатига киритиш мезонлари» ишлаб чиқилиб, ЎзР ССВнинг 2019 йил 12 ноябрдаги 96-сон «Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи иловасини тузишда ҳамда «Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатига киритиш тартиби тўғрисида»ги низоми лойиҳасини ишлаб чиқилишида тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ЗИЯМУХАМЕДОВА РАНО МИРГИЯСОВНА

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ
ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ**

15.00.03 – организация фармацевтического дела

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИХ НАУК (PhD)**

Ташкент– 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В.2018.1.PhD/Fag26.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-сранице Научного совета (www.pharmi.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: www.ziyo.net/uz

Научный руководитель: Зайнутдинов Хикматулла Суннатович
доктор фармацевтических наук, профессор

Официальные оппоненты: Суюнов Низом Давурович
доктор фармацевтических наук, доцент

Ибрагимова Мухаббат Яхяевна
кандидат фармацевтических наук, доцент

Ведущая организация: Узбекский научно-исследовательский химико-фармацевтический институт им. А. Султанова

Защита диссертации состоится «8» 06 2020 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019 Fag.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский р-н., ул. Айбека, д. 45. Тел.: (+99871)256-37-38, факс: (+99871)256-45-04, e-mail: pharmi@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 2). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский р-н, ул. Айбек, 45. Тел.: (+99871)256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «3» 06 2020 года.
(Реестр протокола рассылки 2 от «3» 06 2019 года)



А.Ф.Дусматов
зам. председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.н., доцент

Ё.С.Кариева
ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.н., профессор

Б.Ш.Шоисломов
председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Производственные показатели мирового фармацевтического рынка растут высокими темпами, удваиваясь с каждым годом. В частности, товарооборот объема реализации лекарственными средствами (ЛС) превысил 1 трлн. долларов США. Увеличение ассортимента фармацевтической продукции приводит к увеличению потребности в информации о ней, а также к расширению спектра услуг, предоставляемых в данной отрасли. В связи с этим, в соответствии с концепцией ВОЗ, организация услуг фармацевтической помощи (ФП) имеет большое значение для обеспечения того, чтобы потребители имели качественную и полную информацию о ЛС. Сегодня во всем мире ускоренно внедряются информационные технологии в фармацевтическую отрасль в глобальном масштабе, в частности, отдельно обращается внимание высокому уровню достоверности информационных материалов активно функционирующих различных медицинских сайтов, медицинских информационных сервисов, телеграмм-ботов. В связи с этим требуется внедрение эффективных и безопасных информационно-консультационных услуг, обеспечивающих выбор, хранение, ассортимента ЛС аптеки.

Принимаются меры по дальнейшему повышению уровня жизни населения республики, в частности по развитию фармацевтической отрасли, совершенствованию системы обеспечения населения качественными и эффективными ЛС. В соответствии с четвертой главой Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, были определены важные задачи по важнейшим направлениям реформирования системы здравоохранения «Совершенствование лекарственного обеспечения, а также гармонизация процедур регистрации новых лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники с международными стандартами...»¹. В связи с этим внедрение современных информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) для информирования населения о ЛС, а также обеспечение имплементации в законодательные акты стандартов и рекомендаций ВОЗ и других влиятельных международных организаций по порядку регистрации ЛС является одним из актуальных научно-практических вопросов в части обеспечения правового комплексного регулирования отрасли.

В определенной степени это диссертационное исследование выполнено на основании поставленных задач, установленных в Указе Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» № УП-5590 от 7 декабря 2018 года, постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 2 июля 2019 года №549 «О внесении изменений и дополнений в некоторые постановления Правительства Республики Узбекистан» и Постановлении Президента ПП №4438 от 6 сентября 2019 года «О мерах по предупреждению незаконного оборота лекарственных средств», а также выполнению задач, поставленных в

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // «Народное слово», 8 февраля 2017 года

других нормативных документах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с направлением развития науки и технологий республики «VI. Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Особое место занимают научные труды Х.С. Зайнутдинова, Н.Д. Суюнова, С.У. Алиева, Ш.Т. Арипова, касательно совершенствования обеспечения ЛС в стране, их рациональному использованию и анализу по социальным вопросам.

